

УДК: 334.021

Жўрабек Болтаев

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети катта ўқитувчиси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Джурабек Болтаев

Ташкентский Государственный Университет Экономики
Старший преподаватель

**ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СЕМЕЙНОГО БИЗНЕСА В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН**

Jurabek Boltaev

Tashkent State University of Economics
senior university lecturer

**ISSUES OF FAMILY BUSINESS DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Аннотация

Бугунги кунда республикамизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, уларнинг яшаш фаровонлигини ошириш мақсадида кўплаб лойиҳаларга кўл урилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ бугун ўз бизнесини бошлаган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, уларни қийнаётган муаммолар,

аҳолининг бизнес ташаббусларини ўрганиб чиқиб, таҳлиллар асосида таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб ҳисобланади.

Калит сўзлар

Бизнес, оилавий тадбиркорлик, тадбиркорлик, кредит, имтиёз, кафиллик, валюта, лойиҳа, солиқ ставкаси, фоиз ставкаси, лизинг, ипотека

Аннотация

Сегодня в нашей республике реализуется множество проектов, направленных на увеличение доходов населения и повышение комфортности их жизни за счет развития семейного предпринимательства. В результате этих усилий сегодня актуально изучение деятельности субъектов предпринимательства, начавших свое дело, проблем, с которыми они сталкиваются, бизнес-инициативы населения и на основе анализа выработка предложений.

Ключевые слова

Бизнес, семейный бизнес, предпринимательство, кредит, концессия, гарантия, валюта, проект, налоговая ставка, процентная ставка, аренда, ипотека

Abstract

Today, many projects are being implemented in our republic in order to increase the income of the population and increase their living comfort through the development of family entrepreneurship. As a result of these efforts, it is urgent today to study the activities of business entities that have started their business, the problems they face, the business initiatives of the population, and develop proposals based on the analysis.

Keywords

Business, family business, entrepreneurship, loan, concession, guarantee, currency, project, tax rate, interest rate, lease, mortgage

Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда оилавий тадбиркорлик соҳаси фаолияти муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз ўрнига эга.

Президентимизнинг 2023 йил 15 ноябрда “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 366 сонли қарори қабул қилинди.

Қарор бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўргатиш, ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилиб, “оилавий тадбиркор - микробизнес – кичик бизнес – ўрта бизнес” занжири яратилади ва шу асосда уларнинг фаолиятини кенгайтириш, қўллаб қувватлаш учун шароитлар яратилиши таъминланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни фаолиятини ривожлантириш масалалари кенг ўрин олиб келган. Бу масалалар борадаси бир қанча олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, А.Смит томонидан халқларнинг бойлиги моҳияти ва сабабларини ўрганиш, Р.Хизрич ва М.Питерс томонидан тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, тадбиркорлик фазилатларини баҳолаш усуллари атрофлича ўрганилган ва керакли таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тадқиқ этиш ҳамда эконометрик моделлаштириш бўйича В.М.Власова, А.Раиский, А.Шестаков, Н.Е.Егорова, В.М.Савченко, В.М.Шепелов ва М.А.Федотовалар илмий изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг умумий муаммолари, статистик кўрсаткичларини такомиллаштириш ҳамда прогнозлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга давлат томонидан берилаётган имкониятлар бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Гулямов, Ё.Абдуллаев, Б.К.Ғойибназаров, О.Т.Кенжабоев, О.Қ.Рихсимбоев, А.Б.Югай, Н.Қ.Муродова, З.Я.Худойбердиева, Ҳ.П. Абулқосимов А.А. Қулматовлар томонидан илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий усул, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар борасида тадбиркорлар кўйидаги молиявий тизим орқали қўллаб-қувватланиши белгиланган:

- “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ
- “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ
- Ҳамкор тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари

1.Бизнесни ривожлантириш банки томонидан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилган.

Мазкур дастурни амалга ошириш учун Бизнесни ривожлантириш банки қошида масъулияти чекланган жамияти шаклида Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ташкил этилади ва улар томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий ва консултатив қўллаб-қувватланади.

Шу асосда дастур доирасида имтиёзлар берилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу имтиёзлар:

- камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар,

хунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;

▪ оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар онлайн ариза юбориш орқали иштирок этади.

Дастурида иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини шаффофлик тамойиллари асосида танлаб олиш босқичлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ариза берилади ва банклар кўмагида скоринг баҳолаш ўтказилади
- Ҳоким ёрдамчилари томонидан саволнома асосида ўрганилади
- Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари томонидан ташаббускорларнинг тадбиркорлик кўникмаси ва бизнес-режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли лойиҳалар танлаб олинади
- Марказлар томонидан ўқитиш ташкил этилади ва имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга сертификат берилади
- Тижорат банклари, жамғарма ва марказлар томонидан молиявий ва консултатив қўллаб-қувватланади
- Марказлар ва тижорат банклари томонидан бизнес режалари амалга оширилишининг мониторинги юритилади.

Лойиҳалар қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватланиши таъминланади:

молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:

- 2 йил имтиёзли давр билан 7 йилгача, айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга
- фоиз ставкаси (Марказий банк асосий ставкаси + 4)
- 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ёки асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, 100 миллион сўмгача кредитларни

гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади

- қиймати 1,5 миллиард сўмгача бўлган асосий воситаларни 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан қарзга беради

- инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида 2 миллиард сўмгача грант маблағларини ажратади.

консультатив қўллаб-қувватлаш йўналишида:

- лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт шартномаларни расмийлаштириш;

- давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш ишлари амалга оширади.

- Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигида “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ шаклида қайта ташкил қилинади.

2024 йил 1 мартдан жорий этилаётган молиявий ёрдамлар

Кафиллик ёрдами

Компания томонидан кафиллик хорижий ва миллий валютада ажратиладиган кредитлар учун ажратилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга:

микромолия ташкилотлари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ кредитнинг 30 фоизигача кафиллик тақдим этилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларига:

тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ кредитнинг 50 фоизигача

лизинг компаниялари томонидан ажратиладиган лизинглар 800 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ лизингнинг 30 фоизигача

Ўрта тадбиркорлик субъектларига:

тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ кредитнинг 50 фоизигача

лизинг компаниялари томонидан ажратиладиган лизинглар 1,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ лизингнинг 30 фоизигача

Хизматлар ипотекаси

24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда бир йил давомида камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Кўчмас мулк ва асбоб ускуналарнинг 70 фоизи, бироқ 10 млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади. Муддати етти йилгача муддатга ажратилади. Қарздорлик қолдиғига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада йиллик фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин.

Капиталга улуш киритиш

24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда бир йил давомида камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектлари олиши мумкин. Лойиҳа қийматининг 15 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 3 млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилида. Муддати етти йилгача муддатга.

Компания ресурслари ҳисобидан кредит ажратиш

Бунда компания имтиёздан фойдаланиш учун тадбиркор мурожаат килади ва банк тадбиркор талаби бўйича компаниядан ресурс жалб килади.

Компания томонидан тижорат банклари, лизинг компаниялари ва микромолия ташкилотларига:

миллий валютада ажратиладиган кредит лар бўйича ресурс Марказий банкнинг асосий ставкасидан паст бўлмаган ставкада хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича ресурс Кузатув кенгаши томонидан белгиланган ставкада жойлаштиради.

Тижорат банкларининг маржаси қўшилган ставкада 7 йил муддатгача, 1,5 млрд. сўмгача кичик тадбиркорлик субъектларига, 5 млрд. сўмгача ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит ажратади.

Лизинг компанияларининг маржаси қўшилган ставкада 5 йил муддатгача 500 млн. сўмгача кичик тадбиркорлик субъектларига 1 млрд. сўмгача ўрта тадбиркорлик субъектларига лизинг ажратади.

Микромолия ташкилотларининг маржаси қўшилган ставкада 3 йил муддатгача 300 млн. сўмгача кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга кредит ажратади.

Компания томонидан лизинг компаниялари ва микромолия ташкилотларига жойлаштирилган ресурс ҳисобига ажратиладиган кредит лар учун Компаниянинг бошқа молиявий ёрдами кўрсатилмайди.

Компенсация

Компенсация давлат томонидан бериладиган беғараз ёрдамдир. 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация “1+2” тамойили асосида аввал кредитнинг дастлабки йилига тақдим этилади, кейинги икки йил давомида қуйидагиларга асосан давом эттирилади, яъни янги иш ўринларини яратиш режаси бажарилиши ва йиллик реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушумнинг камида 15 фоизга ошиши ҳисобига.

кичик тадбиркорлик субъектларига 18 фоиздан юқори лекин 24,5 фоиздан кўп бўлмаган миллий валютада 5 млрд. сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставкаси 40 фоизгача миқдорда (5,6 фоизи) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация тақдим этилади.

фаолият даври уч йилгача бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. сўм кредитлари учун тақдим этилади.

компания кузатув кенгашининг қарорига асосан ташкил этилган даврдан қатъий назар кичик тадбиркорлик субъектларига 5 млрд. сўм кредитлари учун тақдим этилади

Компаниянинг молиявий ёрдамидан фойдаланишда тадбиркор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

компенсация олишда жорий кредитлар ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

кафиллик олишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, жорий кредит ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган ҳамда уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўзғатилмаган бўлиши лозим.

кафиллик пулли хизмат ҳисобланади ва 1 фоиз бир марталик тўлов ундирилади.

2024-2026 йилларда қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш дастури амалга оширилади.

- микромолиялаш бозори ҳажмини камида 5 баробарга ошириш;
- микромолиявий хизматлар билан 1 миллиондан ортиқ тадбиркорларни қамраб олиш;
- микромолия ташкилотлари ресурс базасида жисмоний шахслардан жалб қилинадиган маблағлар миқдорини 2 баробарга ошириш;
- микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали расмий даромадга эга бўлмаган 500 мингга яқин шахсларни ўзини ўзи банд қилиш ва бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида бўлса ҳам, кўринмас қўллар ва ҳуқуқий-сиёсий асослар билан тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини ишлаб чиқиш зарурияти доимо сақланиб қолган.

Шу сабабли, доимий равишда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватланиши бугунги кундаги ислохотларнинг амалга оширилишида катта таъсирини ўтказди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сонли “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

6. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России»//Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства»– Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020. – 329-331с.

7. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с. 9. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.

8. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.

9. Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари: и. ф. д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати //Тошкент. – 2023. – Т. 2. – С. 2018-2022.

10. Жумаев, Ш. (2024). Ўзбекистонда республикасида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга масалалари. Страховой рынок Узбекистана, 1(7), 68–69. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/127>